

Davronbek R. MAKHSUDOV,

Doctor of Historical Sciences,

*First Deputy Chairman of the Committee on
Religious Affairs under the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan.*

Navoi str. 12, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: davronbek.m@mail.ru

МОВАРОУННАХРЛИК МУФАССИРЛАР ТАФСИРЛАРИДА АҚИДАВИЙ ОЯТЛАРНИНГ ШАРҲЛАНИШИ

КОММЕНТИРОВАНИЕ ВЕРОУЧЕНИЧЕСКИХ КОРАНИЧЕСКИХ АЯТОВ В ТАФСИРАХ МУФАССИРОВ МАВЕРАННАХРА

INTERPRETATION OF THE CREEDAL VERSES IN THE TAFSIRS BY THE MUFASSIRS OF MAWARANNAHR

КИРИШ

Тафсирларни ўрганиш, шу орқали Қуръони каримнинг асл моҳиятини тўғри талқин қилиш бугунги глобаллашган пайтда долзарб саналиши билан бирга, унинг эътиборли жиҳатлари ҳам мавжуддир. Яъни, тарихий меросни асраб-авайлаш, уни авлодлардан авлодларга етказиш масаласи айна дамда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу сабабли, оятлардаги нозик ақидавий тушунчаларнинг анъанавий исломда келган асл маъноларини ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу аҳоли ўртасида соф диний таълимот ва сохта оқимларнинг фарқлари борасидаги дунёқарашни бойитишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

“Ақида” – عقيدة сўзи (кўплиги عقائد – ақоид) арабча عقد – “ақада” феълидан олинган бўлиб, ундан бир нарсани иккинчи бир нарса билан боғлаш маъноси келиб чиқади (Арабско-русский словарь, 1994: 66). Истилоҳда эса, мўминни маълум бир ғоялар билан боғлаб турувчи эътиқодлар йиғиндисига айтилади. Ақида илмининг турли таърифлари ичида қисқа ва кенг қамровлиси аллома Али ал-Қорий қаламига мансуб “Шарҳ Ал-Фикҳ ал-акбар”даги қуйидаги таъриф ҳисобланади: “Ақида эътиқод қилиш

зарур бўлган нарсалар тўғрисидаги илмдир” (Али ал-Қорий, (йили кўрсатилмаган): 7).

Ақида илми, дастлаб, барча диний илмлар қатори бир ном остида бўлган бўлса-да, кейинчалик турли жойларда шароит ва тушунчалардан келиб чиқиб, олимлар томонидан бир неча номлар билан аталган. Жумладан, “ал-Имон”, “Ал-Фикҳул акбар” (Катта фикҳ), “Илмул калом” (Калом илми), “Илм усулид дин” (Дин асослари илми), “Илмут тавҳид” (Тавҳид илми), “Илмул ақоид” (Ақида илми) кабилар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Аҳли суннада учта ақидавий таълимот шаклланиган бўлиб, улардан биринчиси Бағдодда Абул Ҳасан ал-Ашъарий (260/873–323/935), иккинчиси Мовароуннахрда Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 940) суннийлар ақидаси ҳимоячиси сифатида, учинчиси Мисрда Абу Жаъфар ат-Таҳовий (ваф. 321/933) таълимоти ҳисобланади (Абдулазиз Мансур, 2006: 5-6). Улардан ал-Ашъарий ва ал-Мотуридий таълимотлари аҳоли орасида кенг ёйилган. Кўплаб олимлар Имом ат-Таҳовий ва Имом ал-Мотуридий ақидаларини бир хил деб ҳисоблайдилар. Бу икки аллома таълимотининг ўхшашлигига асосий сабаб сифатида уларнинг Имоми Аъзам мазҳаби ва қарашлари асосида шаклланигани келтирилади.

Аҳли сунна ва-л-жамоанинг икки катта имоми – Имом ал-Ашъарий ва Имом ал-Мотуридий таълимотларини солиштириб кўрган олимлар икки томон ўттизга яқин, баъзилари 3 та, 12 та, 15 та, 40 та ёки 50 та масалада жузъий фарқлар мавжудлигини, аммо бу фарқлар фақат лафзда экани, маъно-мазмун эса, тамоман бир-бирига ўхшашлигини таъкидлаганлар. Немис олими Ульрих Рудольф эса, иккаласини ҳам сунний олими эканини таъкидлаш билан бирга, ал-Мотуридийнинг ал-Ашъарийдан фарқли жиҳати деб у ўз таълимотида мутакаллим олимлар усулларида ташқари ақлий тафаккурни ҳам ишлатганини айтади (У. Рудольф, 2002: 181–184).

Шунингдек, ақида илмида мотуридийлик давомчилари бўлган: Абул Ҳасан ва Абул Юср ал-Паздавий, Абу Муин ҳамда Абу Ҳафс ан-Насафий, Абул Баракот ва унинг устози Шамс ал-аймма ал-Кардарий, Мулло Али ал-Қорий, Абу Муҳаммад ал-Ўший каби ўнлаб олимлар шухрат

Аннотация: Мазкур мақолада ақида илми, ақидавий таълимотнинг шаклланиши, ақида масалалари, уларда учрайдиган ихтилоф ва қарама-қаршиликлар, илоҳий сифатлар, бу сифатларнинг азалий ёки ҳодислиги, Қуръоннинг яратилган ёки яратилмагани, пайғамбарлик, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, имон ва имонсизлик, кишининг қандай сўз ва амаллар билан имондан чиқиши каби масалалар кенг ёритилган.

Шунингдек, бир неча ақидавий оятларнинг шарҳлари келтирилган. Жумладан, ҳанафий-мотуридий таълимоти олими Абул Баракот Насафийнинг “Тафсир ан-Насафий”, мовароуннаҳрлик суфий олим Нажмиддин Кубронинг “ат-Таъвилот ан-Нажмий” каби тафсир асарларидан фойдаланиб, оятлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ақида, илм, оят, аҳли сунна, мазҳаб, ақидавий таълимот, имон, солиҳ амал, шафоат, гуноҳи кабира, лафз, оқим, фирқа, тафсир, масала.

Аннотация: В этой статье широко освещается наука о вероучении (ақида), формирование образования о вероучении, проблемы вероучения, встречающиеся в вероучении разногласия и противоречия, божественные атрибуты (сифаты), извечность или случайность этих атрибутов, сотворенность или несотворенность Корана, пророчество, существование рая и ада, вера и неверие, а также какими словами и делами человек может прийти к отступничеству.

Также приводятся комментарии к нескольким вероученческим аятам. В частности, эти аяты были проанализированы с использованием произведений «Тафсир ан-Насафи» ханафитско-матуридитского ученого Абул Баракат Насафи и «ат-Тавилат ан-Наджмий» суфийского ученого Мавераннахра Нажмиддина Кубро.

Ключевые слова: вероучение, знание, аят, Ахль ас-Сунна, мазхаб, вероучение, вера, праведные дела, ходатайство, греховность, слово, течение, секта, комментарий, проблема.

Abstract: The article deals with the following issues: the science of Aqeedah, the formation of doctrines of creed, issues of Aqeedah, the contradictions seen in this science, the divine attributes, the issue of whether these attributes appeared before or after, the issue of whether the Qur'an was created or not, the prophethood, the existence of heaven and hell, faith and disbelief, and the issues such as how a Muslim becomes apostate.

There are also commentaries on several creedal verses. In particular, the verses were analyzed using the tafsirs such as Tafsir al-Nasafi by Abul Barakat al-Nasafi, a scholar of the Hanafi-Maturidi madhab, and al-Ta'wilat an-Najmiyya by Najmuddin Kubra, a Sufi scholar of Mawarannahr.

Keywords: Aqeedah, science, verse, Ahl al-Sunnah, madhab, creedal doctrine, faith, good deed, intercession (shafa'ah), major sins, word, sect, tafsir, issue.

топганлиги манбаларда келтирилади. Абул Баракот ан-Насафий ҳам мана шу олимлар қаторида калом илмида сермазмун ижод қилган. У ақида бобида асарлар ёзиш билан бир қаторда “Тафсир ан-Насафий” да ақида масалаларини матуридийлик қарашлари асосида шарҳлаган. Ислом динида инсон етти ақидага, яъни Аллоҳга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг яхши ва ёмони Аллоҳдан эканига ҳамда ўлимдан сўнг қайта тирилишга ишониб, икром бўлгандагина мўмин ҳисобланади. Бу Нисо сурасининг 136-оятида қуйидагича баён қилинган: «Эй имон келтирганлар! Аллоҳга, Пайғамбарига, (шу) Пайғамбарига нозил қилган Китоб (Қуръон) га ҳамда илгари нозил қилинган Китобга имон келтирингиз! Кимки Аллоҳни, фаришталарини, китобларини, пайғамбарларини ва “Охирги кун (қиёмат)” ни инкор этса, демак, у жуда

узок (қаттиқ) адашибди». Бақара сурасининг 285-оятида эса: “Пайғамбар (Мухаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди ва мўминлар ҳам (уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди”, – дейилган. Ан-Насафий оятни шарҳлаб, имонда истисно (масалан, “Мен мана бу нарсаларга имон келтираман, буларига эмас”) қилиб бўлмаслигига ва гуноҳи кабира қилганнинг имони собитлигига далолат қилишини айтади. Ибн Арабий ғояси давомчиларидан саналган ўрта асрлар муфассири Жамолуддин ал-Кошоний ўз тафсирида юқоридаги “Пайғамбар (Мухаммад) ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага (оятларга) имон келтирди” ояти Пайғамбар (с.а.в.) нозил қилинган нарсаларни қабул қилган ва унинг хулқи билан

хулқланган. Оиша (р.а.) айтганларидек: “Унинг хулқи Қуръон эди” тарзида шарҳлайди (Самир Мустафо, 2001:93). Мовароуннахрлик машҳур сўфий ва муфассир Нажмиддин Кубро эса, ушбу оятда Аллоҳнинг бандаларига камоли лутфи ва тўғри йўлга йўллаши бор, шунинг учун уни шундай тарзда бошламоқда, дейди (Нажмиддин Кубро, 2009:378). Мазкур етти асосга имон келтириш масаласида ислом динидаги барча мазҳаб ва таълимотларда бир хил фикр билдирилган. Лекин ақиданинг бундан ташқари бошқа масалалари борки, уларда ихтилоф ва қарама-қаршиликлар кўп учрайди. Улар илоҳий сифатлар, бу сифатларнинг азалий ёки ҳодислиги, Қуръоннинг яратилган ёки яратилмагани, пайғамбарлик, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, имон ва имонсизлик, кишининг қандай сўз ва амаллар билан имондан чиқиши кабилардир. Имом ал-Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисда ҳам, имоннинг етмишдан зиёд қисми саналган бўлиб, унинг энг каттаси Лаа илаҳа иллаллоҳ дейиш бўлса, кичиги йўлдан озор берадиган нарсаларни олиб ташлаш ва ҳаё экани айтилган (Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Табризий, 1991). Мовароуннахрлик мотуридий муфассир Абул Баракот ан-Насафий Қуръондаги ушбу турли масалаларни мотуридийлик таълимотига асосан тафсир қилади. Жумладан, имон билан солиҳ амаллар бирми ёки бир эмасми деган масала турли таълимот ва оқимлар ўртасида ҳозиргача мунозарали масала ҳисобланади. Абул Баракот Имом ал-Мотуридийнинг Бақара сураси 25-оятини имон билан солиҳ амаллар бошқа-бошқа эканига далил қилганини таъкидлайди. Оят мазмунини шундай:

وَبَشِّرِ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ جَنَّاتٍ
تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ

“Имон келтирганлар ва солиҳ амал қилганларга тағларидан анҳорлар оқиб турувчи жаннатлар бор, деб башорат беринг”. Абул Баракот: “Аллоҳ таоло ушбу оятда آمنوا – “имон келтирганлар” билан عملوا الصالحات – “солиҳ амал қилганлар” сўзларини “ва” боғловчиси орқали ажратмоқда. Араб тили қоидасига кўра, боғловчилар билан ажратилган сўзлар алоҳида ҳисобланади. Демак, солиҳ амал билан имон биридан бошқа нарсалар экан. Шу билан бирга, фақат имон келтириб, солиҳ амал қилмаса ҳам, жаннатга кирса бўлар экан-да, деб бўлмайди. Чунки Аллоҳ таоло жаннатга киришга солиҳ

амал бўлишини шарт қилиб қўйган (Абул Баракот ан-Насафий, 1988:33).

Бунга Бақара сурасининг 3-оятини далил бўлади:

الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْغَيْبِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ
وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ

“...ғайбга имон келтирган, намозларини адо этадиган ва биз ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиганлар...” ояти тафсирида Абул Баракот: “Тўғри, имон бу тил билан тасдиқлаш, дил билан ишонишдир, амал қилиш эса имон шартига кирмайди” (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:41) деб айтади.

Дарҳақиқат, мотуридий таълимотига кўра амал имоннинг бир қисми бўлмай, ундан мустаснодир. Лекин мўътазилий оқими ақидасига кўра амал имоннинг бир бўлаги ҳисобланади.

Сўфий олим Нажмиддин Кубро ушбу оятдаги ғайбга тўхталиб, уни бешта зоҳирий ҳиссий аъзолар билан идрок қилиб бўлмайдиган, бироқ бешта ботиний воситалар билан идрок қилиш мумкин бўладиган деб шарҳлайди. Бешта ботиний ҳислар – ақл, қалб, рух, сир, хафий бўлиб, ғайб охираат билан боғлиқ ишлардир, дейди (Нажмиддин Кубро, 2009:110).

Имон ҳақида яна Моида сурасининг 83–85-оятларида шундай дейилади:

وَإِذَا سَمِعُوا مَا أُنْزِلَ إِلَى الرَّسُولِ تَرَى أَعْيُنُهُمْ تَفِيضُ مِنَ
الدَّمْعِ مِمَّا عَرَفُوا مِنَ الْحَقِّ يَقُولُونَ رَبَّنَا آمَنَّا فَاكْتُبْنَا مَعَ
الشَّاهِدِينَ {83} وَمَا لَنَا لَا نُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَمَا جَاءَنَا مِنَ الْحَقِّ
وَنَطْمَعُ أَنْ يُدْخِلَنَا رَبَّنَا مَعَ الْقَوْمِ الصَّالِحِينَ {84}

«Улар (насронийлар) Расулга (Муҳаммадга) нозил қилинган (оятларни) эшитганларида ҳақни билганлари туфайли кўзлари ёшга тўлганини кўрасиз. (Улар) “Парвардигоро, биз имон келтирдик, бизни шаҳодат аҳли билан бирга ёзиб қўйгин. Нега биз Раббимиз бизларни солиҳлар билан бирга жаннатга киргазишини умид қилатуриб, Аллоҳга ва бизга келган ҳаққа имон келтирмас эканмиз?”, – дейдилар. Айтган (шу) гаплари туфайли Аллоҳ уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннат боғлари билан мукофатлагай ва у ерда абадий қолурлар. Бу солиҳ амал қилувчилар мукофотидир».

Карромийа оқими вакиллари ушбу оятнинг “Айтган (шу) гаплари туфайли” жумласини

далил қилиб, фақат тилида имон келтириш билангина инсон мўмин бўлади, дилнинг тасдиғи шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Абул Баракот уларга раддия билдириб, ушбу оят имоннинг бир шарти тил билан иқрор бўлиш эканига ишора қилинаётганини таъкидлайди. Шунингдек, **«Баъзи инсонлар борки, улар “Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирдик”, – дейдилар. Ваҳоланки, улар мўмин эмаслар»** (Бақара сураси, 8-оят) ояти эса тилда имон келтиришнинг ўзи билан киши мўмин бўлмаслигига далилликни айтади. Тилда имон келтириш билан бирга қалбда тасдиқ қилиши ҳам керак экан, деб ўз фикрини исботлайди.

Демак, Абул Баракот имон тил билан дилнинг иши, солиҳ амаллар эса, имоннинг шарти эмаслигини оят, араб тили қондаси ҳамда ақлий мисоллар ёрдамида исботлайди.

Ислон олимлари ўртасида مؤمن – “мўмин” ва مسلم – “мусулмон” тушунчалари тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Бирлари бу икки сўз бир маънони англатади десалар, бошқалари уларнинг ҳар иккиси ҳам турли мазмунни ифодалашини, шу сабаб мўминдан имонли одам тушунилса, мусулмондан ислон амалларини бажарадиган киши тушунилади, дейдилар. Оли Имрон сурасининг 52-оятида қуйидаги мазмун акс этган: Хаворийлар айтадилар: **“Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтирдик ва Аллоҳга (бўйсунувчи) мусулмон эканимизга (сен) гувоҳ бўлгин (эй Исо)!”**.

Пайғамбарлар умматларининг имон келтирганига Қиёмат кунда гувоҳ бўладилар. Шу боис хаворийлар ўзларининг мусулмонлигига Исони гувоҳ қилишмоқда. Оят имон билан ислоннинг бирлигига далил бўла олади. Чунки хаворийлар имон келтирганларини айтиб, мусулмонликларига гувоҳликни сўрашмоқда (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:258).

Шунингдек, мотуридийлик ва ашъарийлик ўртасида имоннинг зиёда бўлиши ва камайиши масаласи ҳам баҳсли бўлиб, ашъарийлар имон солиҳ амаллар туфайли зиёда бўлади, аксинча, гуноҳлар сабабли озаяди дейдилар. Мотуридийлар эса, имоннинг ўзи эмас, нури ортиши ёки камайиши мумкин дейдилар. Шу сабаб Анфол сураси 2-оят – **“Мўминлар – Аллоҳ (номи) зикр этилганда – дилларида қўрқув бўладиган, оятлари уларга тиловат қилинганида – имонлари зиёда бўладиган (киши)лардир”**даги “имонлари зиёда бўладиган” жумласини “ишонч ва хотиржамликда

зиёда бўлади”, деб тафсир қилади. Лекин ан-Насафий тафсир асносида ал-Ашъарийни ҳам ёки ашъария таълимотини ҳам тилга олмайди.

Инсонинг гуноҳ содир этиш сабаби имондан чиқиш ёки чиқмаслиги масаласи ҳам ақидада асосий мунозарали масалалардан ҳисобланади. Хорижийлар гуноҳи қабира қилувчини имондан чиққан деб ҳисоблайдилар ҳамда бунга Бақара сурасининг 34-оятини далил қиладилар. Оят мазмуни қуйидагича: **«Эсланг (эй Мухаммад), Биз фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар!”, – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, кибр қилди ва кофирлардан бўлди»**.

Хорижийлар оятни шарҳлашда ўз ақидаларига таяниб, шайтоннинг куфрга кетишига сабаб, унинг кибрланиб, илоҳий буйруқни адо этмаганидир. Демак, Аллоҳнинг буйруғини қилмасликнинг ўзи имондан чиқишга сабаб бўлади, дейдилар. Абул Баракот эса, мотуридийлик ақидасини ҳимоя қилиб, гуноҳ иш қилиш билан инсон имондан чиқмаслигини, балки ўша гуноҳни менсимай, уни жоиз санасагина, имондан чиқишини таъкидлайди. Шайтоннинг ҳам куфрга кетишига сабаб, саждадан кибрланиб, уни рад этгани ва ундан юз ўтганлигидир, деб айтади.

Нажмиддин Кубро **“Одамга сажда қилинглар!”** оятидаги сажда қилишда уч хил маъно бор, дейди. Улардан биринчиси, **“(Фаришталар), Сизлар мулкий ва руҳоний табиийлик ила сажда қилиб келасизлар, энди буйруқни бажариб, сажда қилинглар”** деган маъно билан боғлиқ. Аслида фаришталар яратилишидан ибодатга машғулдирлар, энди улар алоҳида сажда қилишга буюрилмоқдалар.

Иккинчиси, сажда қилиш Одамнинг халифалик шаъни ва унга хос фазилатини улуғлаш учун бўлмоқда. Чунки Аллоҳ таоло Одамда тажаллий қилган, ким унга сажда қилса, Аллоҳга сажда қилгандек бўлади. Фатҳ сураси 10-оятда ҳам **“Сизга байъат қилаётганлар, албатта Аллоҳга байъат қилмоқдалар”**, дейилади.

Учинчиси, Одамнинг ажри учун сажда қилинглар, яъни саждаларинг Одамнинг фойдасига бўлсин, деган мазмун мужассам этган (Нажмиддин Кубро, 2009.151–155). Чунки фаришталарга, инсониятдан фарқли ўлароқ савоб керак эмас, демак, сажда ҳам инсоният фойдасига ўтказилади. Абул Баракот оятдаги **“сажда қилиш”**ни **“таъзим қилиш ва Одамнинг фазлини эътироф этиш”**, Убай

ибн Каъб ва Ибн Аббос “энгашиш”, деб тафсир қилганлар. Жумҳур уламолар саждани “юзни ерга қўйиш билан Одамни табрик ва муборақбод этиш”, деб шарҳлайдилар. Ўша пайтда одамга нисбатан бу каби табрик саждасини қилиш мумкин бўлган. Лекин Сулаймон пайғамбар даврига келиб яралмишга нисбатан ҳар қандай сажда қилиш мансух (бекор) қилинган ва фақат Аллоҳга сажда қилишгагина буюрилган (Абул Баракот ан-Насафий, 1999: 80–81). Демак, имон тўғрисидаги оятларни Абул Баракот ан-Насафий сингари шарҳлаш катта аҳамият касб этади. Чунки бундай шарҳлаш натижасида қанчадан-қанча “гуноҳкор” деб даъво қилинаётганлар аслида мўмин эканликлари тўғрисидаги хулоса келиб чиқади. Аксинча шарҳлаш эса, одамларни динсизликда айблаш ва бунинг оқибатида уларнинг мол ҳамда жонларига таҳдидлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу мавзунинг давоми сифатида Нисо сурасининг 31-оятини **“Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз”** мазмунли айтиш мумкин. Мўътазилийлар бу оятга таяниб, катта гуноҳлардан сақланганларнинг кичик гуноҳлари зарурий равишда ўчирилади, катта гуноҳлар эса кечирилмайди, дейдилар. Ўз навбатида, ан-Насафий бундай қарашни ботил дейди. Чунки, катта ва кичик гуноҳлар Аллоҳ учун бирдир, хоҳласа, у иккиси учун жазо беради, хоҳласа, кечиради. Чунки Қуръонда: **“Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтиришни кечирмайди. Ундан бошқасини хоҳлаган кишиси учун кечириб юборади”** (Нисо сураси, 48-оят), дейилади.

Тафсирнинг давомида Абул Баракот **“Ҳасанотлар (яхши амаллар) саййиотлар (ёмон амаллар)ни кетказади”** оятига асосланиб, катта ва кичик гуноҳлар яхши амаллар сабабли кечирилиши мумкинлигини айтади. Чунки саййиот деганда, икки турдаги гуноҳлар назарда тутилади (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:353). Бу Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “ал-Ақоъид ан-Насафия” асарида ҳам ўз аксини топган (Абдулазиз Мансур, 2006:45). Абу Мансур ал-Мотуридий “катта гуноҳ»дан мурод ширкнинг катталари эканига кўпроқ эътибор қаратади. Ширкнинг катталари қаторида Аллоҳга ширк келтириш, пайғамбарларни инкор этиш, ибодатларни инкор ила тан олмаслик, ҳаромни ҳалол ва ҳалолни ҳаром санаш қабиларни айтиб ўтади (Абу Мансур ал-Мотуридий, 2005:144–148).

Ан-Насафий ақидавий тоифалардан саналган муржийларнинг имонли кишига гуноҳнинг зарари йўқ ва у дўзахда асло азобланмайди, деб эътиқод қилишларини айтади ҳамда: «Бизнинг наздимизда гуноҳкор мўмин дўзахга кириши мумкин, лекин оқибатда барибир жаннатга тушади», дейди. Муржийларга қарши **وَاطِيعُوا اللَّهَ وَالرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ “Аллоҳга ва расулига итоат қилингллар, шояд марҳамат топсаларингиз”** (Оли Имрон сураси, 132-) оятини далил қилади. Чунки оятдаги “шояд” – **لَعَلَّ** сўзи аниқликни эмас, балки мумкинликни билдиради (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:291–292). Ҳофиз ад-дин ан-Насафий бу оят тафсирида яширин саволга жавоб беради: **“Аҳли тафсир наздида لَعَلَّ – лаъалла ва عسى – ьаса Аллоҳ томонидан ифодаланганида таҳқиқ (аниқлик)ни билдирса ҳам, ҳар бир билим эгасига Аллоҳнинг розилиги ва унинг раҳмати ҳамда савобига етишишнинг қийинчилиги маълумдир”** (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:291–292). Шунинг учун оятдан Аллоҳ ва унинг пайғамбарига итоат этсангиз, шунда шояд (аниқ эмас) марҳамат топишингиз мумкин, деган мазмун келиб чиқади. Агар аниқ маъноси берилса, унда муржийлар даъволарига мувофиқ имонли бўлиш билан Худонинг марҳаматини топиш мумкин, деган маъно келиб чиқар эди.

НАТИЖА

Юқорида ўрганиб чиқилган тадқиқотлар ҳамда ақидавий оятлар шарҳларида келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, имон ҳамда гуноҳкорнинг имонли ёки имонсиз бўлиш масалаларида турли қарашлар мавжуд бўлиб, Абул Баракот ан-Насафий мазкур мавзуларни мўътадиллик, илмийлик асосида ақлий ва нақлий мисоллар билан баён этган. Айтиб ўтилганидек, ақида илмида жуда кўп баҳс ва ихтилофлар мавжуд. Лекин ақидада баҳс юритиш мумкинми, деган савол туғилиши табиийдир. Абул Баракот ан-Насафий одамларда тўғри тасаввур ва тушунчани шакллантириш учун ақидада баҳс-мунозара қилиш жоизлигини таъкидлайди. Бунга у Бақара сурасининг 258-оятини далил қилади: **“Аллоҳ таоло мол-мулкни берганда Иброҳим билан Раббиси ҳақида тортишган бандани кўрмайсизми?”** яъни Иброҳим пайғамбар даврида Намруд подшоҳ худоликни даъво қилиб, Иброҳим пайғамбар билан баҳслашади. Иброҳим

пайғамбар ҳам Аллоҳнинг ягоналигини исботлаш мақсадида у билан баҳсга киришади ва охи-рокибат уни мулзам қилади. Лекин Абул Баракот баҳсга киришувчининг илми ва нияти тўғри бўлиши лозимлигини таъкидлайди (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:291–292). Қиёмат кун и тўғрисидаги масала ҳам ақидавий масалаларнинг бир қисми бўлиб, Қуръонда у шафоат қабул қилинмайдиган кун сифатида зикр этилади. Мўътазилийлар бун и далил қилиб, нафақат динсизлар, балки гуноҳкор мўминга ҳам шафоат насиб қилмайд и, дейдилар. Лекин Абул Баракот Насафий бу каби оятлар мўминлар эмас, ғайридинлар ҳақида нозил бўлганини таъкидлайди ва далил сифатида “Менинг шафоатим умматимнинг катта гуноҳ қилганларига ҳам етади” ҳадисини келтиради.

Абул Баракот оятларни шарҳлаш баробарида турли оқим ва фирқа вакилларига ҳам қарши далиллар келтирган. Жумладан, у жаннатни яратилган ва у ҳозирда мавжуд дейди. Чунки Аллоҳ таоло Одам билан Ҳаввога: “**Сен ва сенинг аёлинг жаннатда яшанглар**”, деган. Демак, жаннат ўша пайтда ҳам, ҳозирда ҳам мавжуд, деб мўътазилаларга қарши ҳужжат келтиради. Шунингдек, жаннат еттинчи ёки тўртинчи осмонда, деган ривоятларга аниқлик киритиб, “бу – жаннат осмон томонда, лекин айтилган осмон ичларида, дегани эмас” (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:291–292) деб айтади. Ан-Насафийнинг жаннат мавжудлиги тўғрисидаги қарашида одамларни унга интилишга қизиқтириш, бу билан уларни яхши амаллар қилишга чорлаш каби ижобий жиҳатлар мужассам.

Бундан ташқари, Абул Баракот жаҳмийларга ҳам раддия бериб, жаннат ҳақидаги оятнинг тафсирида бундай дейди: «Жаҳмийлар жаннатни ва унинг аҳлини фоний бўлувчи дейдилар. Лекин Аллоҳ таоло: “Жаннатга кирганлар у ерда абадий қоладилар”, – деган. Демак, жаннат аҳли жаннатда абадий қоладилар ва жаннат ҳам йўқ бўлиб кетмайди» (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:71).

МУҲОКАМА

Ақидада суннийлар билан мўътазилийлар ўртасида қўлаб баҳсли масалалар мавжуд. Улардан бири Аллоҳни кўриш масаласидир. Мўътазилийлар Аллоҳни умуман кўриб бўлмайди деб, «**Сизлар: “Эй Мусо, Аллоҳни ошкора кўрмагуни-мизча,**

сенга ҳеч ҳам ишонмаймиз”, – дейишингиз билан кўз ўнгизда сизларни чакмоқ урганини эсланг» Бақара сурасининг 55-оятини далил қилдилар ва Аллоҳни кўриш мумкин бўлганда, Мусонинг қавми Мусога берган саволлари сабабли жазоланмас эдилар, дейдилар. Абул Баракот эса, уларнинг азобланишларига саволлари эмас, балки Мусо пайғамбар мўъжиза кўрсатганидан кейин унга ишонмай, имондан юз ўгиришлари сабаб бўлган. Пайғамбарлар мўъжиза кўрсатганидан сўнг, уларга имон келтириш эса шарт. Аслида, улар тўғри йўлни топиш мақсадида эмас, қайсарлик, ишончсизлик юзасидан шундай савол берганлар. Аллоҳ эса, бундан бохабар эди, дейди (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:90).

Маълумки, Аллоҳ ва унинг сифатларига тааллуқли мавзуларда жуда кўп қарашлар, баҳслар мавжуд. Абул Баракот ан-Насафий бундай оятларни манбалар асосида шарҳлаб, луғат илмидан ҳам кенг истифода этади. Жумладан, у Оли Имрон сурасининг 54-оят и тафсирида Алоуддин ас-Самаркандийнинг “Шарҳ Таъвилот ал-Қуръон” асаридан фойдаланади. Оят мазмуни қуйидагича: **وَمَكَرُوا وَمَكَرَ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمَاكِرِينَ** (Улар) макр қилдилар ва Аллоҳ ҳам макр қилди”. Абул Баракот оятдаги “Аллоҳ макр қилди” сўзини “Уларнинг макри эвазига Аллоҳ уларни жазолади” деб шарҳлайди. Чунки макр, истехзо (мазах қилмоқ), хидоъ (алдамоқ) сўзларини Аллоҳга нисбатан қўлаб бўлмайди. “Шарҳ ат-Таъвилот”да ҳам шундай дейилган (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:257). Аксарият олимлар Аллоҳнинг 99 та исми бор десалар, қолганлари 1000 та дейдилар. Лекин Қуръонда уларнинг саноғи тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Аъроф сурасининг 180-оят ида:

وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ فَادْعُوهُ بِهَا وَذَرُوا الَّذِينَ يُلْحِدُونَ فِي أَسْمَائِهِ سَيُجْزَوْنَ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

“Аллоҳнинг чиройли исмлари бор. Уни ўша исмлар билан атанглар! Унинг исмларида ҳақдан оғиб кетувчиларни қўйинглар. (Улар) қилмишларига (яраша) жазоланадилар”, – дейилади. Ан-Насафий “ҳақдан оғиб кетувчилар” Аллоҳни “сахий”, “дўст”, “жисм”, “оқил”, “жавҳар”, “ақл”, “иллат” каби номлар билан атайдилар, дейди (Абул Баракот ан-Насафий, 1999:620). Оятда келган **إِلْحَاد** – “илҳод” сўзи “ҳақ ва мўътадилликдан оғиш, бурилиш” маъноларида бўлиб, Ибн Аббос уни “ёлғонга чиқариш”, деб тафсир қилади.

Хофиз ибн ал-Ҳажар айтади: “Шофеъий ва ханбалийлар Аллоҳнинг исмларини учга бўладилар: биринчиси, фақатгина Аллоҳга хос бўлган “ар-Раҳмон”, “Робб ал-оламин” каби исмлар; иккинчиси Аллоҳга ҳам бошқасига ҳам ишлатилиши мумкин, лекин Унга кўпроқ қўлланиладиган الجبار – “ал-Жаббор”, الحق – “ал-Ҳақ” каби исмлар; учинчиси Аллоҳга ҳам, бошқасига ҳам бирдай қўлланиладиган الحي – “ал-Ҳай”, المؤمن – “ал-Муъмин” сингари исмлар.

Эътиқодда фаришталар афзалми ёки инсонлар, деган масала қадимдан мунозарали ҳисобланган. Мўътазилийлар, қадарийлар, файласуфлар ва ҳатто баъзи ашъарийлар ҳам фаришталарнинг афзаллигини айтганлар (Саъдуддин ат-Тафтазоний, 1319/1901:126). Фаришталарнинг афзаллигини тан олувчилар Нисо сураси 172-оятини “**Масих Аллоҳга банда** (кул) **бўлишдан сира ор қилмайди, муқарраб** (Аллоҳга яқин) **фаришталар ҳам**”ни далил қилиб, оятдан Исо Масихдан кўра муқарраб фаришталар афзал экан, деган хулоса чиқарганлар.

Бу жузъий ақидавий масала бўлса-да, лекин унинг ўзига хос алоҳида жиҳатлари бор. Жумладан, унда башариятнинг улуғ мақомдаги фаришталардан афзаллиги ҳамда инсоннинг нақадар азиз ва муқаррам банда экани тўғрисидаги хулосалар ўз ифодасини топган.

Абу Мансур ал-Мотуридий ушбу оятни шарҳлар экан, икки томоннинг ҳам далилларини батафсил келтиради. Унинг далилларни келтиришидан мўминларнинг фаришталардан афзаллиги тўғрисидаги масалага мойиллиги билиниб туради. Узоқ баҳс қилгач, охирида бу масалани Аллоҳнинг ўзига топширамиз, деб айтади (Абу Мансур ал-Мотуридий, 2005:424–430). Ал-Мотуридийнинг оятни бундай услубда шарҳлаши унинг тафсирига хос бўлиб, у кўпинча икки томоннинг далилларини келтириб ўтади ва ўз фикрини исботлагач, охирида бу масалани Аллоҳнинг ўзига ҳавола қилади. Аслида эса, у башариятнинг фаришталардан афзал экани масаласига қўшилгани учун ал-Мотуридий ақидасини ёритувчи асарларда бу масала худди шу тарзда батафсил баён этилган (Саъдуддин ат-Тафтазоний, 1319/1901:126–127).

Искандар Зулқарнайн тўғрисидаги қарашлар ҳам ақидага тааллуқли бўлиб, унинг пайғамбар ёки пайғамбар эмаслиги, худди шундай Лукмон ҳақида ҳам турли ривоятлар мавжуд (Ислом. Энциклопедия, 2004:96). Ислом дини таълимотида пайғамбар

бўлмагани пайғамбар ёки пайғамбарни пайғамбар эмас, деб эътиқод қилиш нотўғрилиги таъкидланади (Абдулазиз Мансур, 2006:646). Шунга кўра, Қуръон ва ҳадисларда зикр қилинган пайғамбарларгина пайғамбар, деб эътиқод қилиниши керак (Али ал-Қорий, (йили кўрсатилмаган) 22). Қаҳф сурасининг 83–98-оятларида Искандар Зулқарнайн ҳақида зикр қилинган бўлиб, Абул Баракот мазкур оятларни тафсир қилаётганда ушбу шахс солиҳ банда, пайғамбар ёки фаришта дейилгани тўғрисидаги қарашлар мавжудлигини айтади. Лекин уни солиҳ бир банда эканини таъкидлайди ва буни қувватлаш учун Ҳазрати Али ибн Абу Толибнинг Искандар пайғамбар ҳам, фаришта ҳам бўлмай, балки солиҳ инсон экани ҳақидаги фикрини келтиради. Искандар ва Лукмон ҳақида бу каби турли қарашларнинг бўлишига олимларнинг улар ҳақида аниқ бир тўхтамга келмаганлиги сабаб бўлган. Муҳаммад пайғамбар ҳам Искандарнинг пайғамбар ёки пайғамбар эмаслиги ҳақида сўралганида “Билмайман”, деб жавоб берганлар (Абул Баракот ан-Насафий, 1988:22–23).

Искандарнинг шахсияти ҳақида 24 тилдаги ривоятларнинг 80 дан ортиқ тури бор. Буларнинг аксарият қисмини эрамиздан аввалги 200 йилда Псевдо-Каллисфен тўплам қилиб ёзган. Эътиборли жиҳати шундаки, Қуръон ҳам унинг шахсиятига доир маълумотларни бермай, балки унинг қилган хайрли ишларидан хабар беради, холос. Лекин шунини таъкидлаш керакки, Қуръонда берилган маълумотларга таянадиган бўлсак, Юнонистонда яшаб ўтган Александр Македонский билан Қуръонда зикр қилинган Искандар бошқа-бошқа экани маълум бўлади. Чунки Қуръонда зикр қилинган Искандар ягона Илоҳга сиғингани айтилса, Александр Македонский даврида Юнонистонда кўпхудолик дини ҳукмрон бўлган. Буни ан-Насафий тафсирида берилган маълумотларда ҳам кўриш мумкин (Ислом. Энциклопедия, 2004:96). Ан-Насафий оятнинг давомида яна бир қизиқ воқеани келтиради: “Ҳадисда айтилишича, Искандар бир китобда Сомнинг авлодларидан бири ҳаёт сувидан ичиб, абадий яшашлик бахтига муяссар бўлганини ўқиб қолади. Искандар ҳаёт сувини излаб йўлга равона бўлади. Сафарда ҳамроҳ бўлган Искандарнинг вазири ва холасининг ўғли Хизр ҳаёт сувини топади ва унга абадий яшаш насиб этилади. Лекин Искандар бундан бебахра қолади” (Абул Баракот ан-Насафий, 1988:23).

Сеҳр-жоду билан шуғулланиш масаласи ҳам ақидада алоҳида ўрин тутати. Ан-Насафий сеҳрни мутлақ инкор этишдан эҳтиёт бўлади. Қуръонда одамларнинг сеҳр билан шуғулланганлари, жинларнинг инсонларга сеҳрни ўргатиши ва бу билан уларнинг кофир бўлгани айтиб ўтилади. “Тафсир ан-Насафий”да мазкур оят шарҳида Абу Мансур ал-Мотуридийнинг қуйидаги гапи келтирилади: “Сеҳргарликни мутлақо қуфр дейиш хато. Буни олдин яхшилаб текширмоқ даркор. Агар сеҳрда имоннинг шартларидан бири инкор этилса, унда диндан чиқишга сабаб бўлади, инкор этилмаса, қуфр эмас”. Тафсирнинг давомида, мўътазилийлар сеҳрнинг ҳаёлотлардан иборат экани, суннийлар эса, унинг таъсири борлигини эътироф этишини айтиб ўтади (Абул Баракот ан-Насафий, 1988:66).


ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мовароуннаҳрлик олимлар асосан ҳанафий мазҳаби қарашларини илгари сурганлар. Бу уларнинг асарларида яққол кўриниб туради. Ҳанафий олимлари Қуръонни муфассирлар билиши лозим бўлган илмлар асосида тафсир қилганлар, бундай олимлар ўз асарларида доимо илмийлик, ҳолислик каби жиҳатларни устун қўйганлар. Муфассирлар тафсир қилиш жараёнида ботил оқим ва тоифалар томонидан оятнинг турлича талқин этилишига оятларга асосли раддиялар бериб, ихтилофли масалаларда ўз қарашларини баён этган ва бу билан улар ҳозирда ҳам ўз ечимини кутаётган кўплаб баҳсли масалаларга илмий жавобларини бериб ўтганлар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Али ал-Қорий. Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, (йили кўрсатилмаган). – 336 б.
2. Али ал-Қорий. Зовъ ал-маоли шарҳ бадъ ал-амоли. – Қозон / Ношири – Аҳмад Хулусий. (йили кўрсатилмаган) – 48 б.
3. Абул Баракот ан-Насафий. Мадорик ат-танзил ва ҳақоъик ат-таъвил. IV жилдда. Ж. I–III. – Байрут: Ҳайъатул иғосатил исломиятил оламия, 1988.
4. Абул Баракот ан-Насафий. Тафсир ан-Насафий Ж. 1. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1999. – 2246 б.
5. Абу Мансур ал-Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. Ж. III. – 664 б.

6. Саъдуддин ат-Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафийя. – Қозон: Юсуфий нашриёти, 1319/1901. – 127 б.
7. Арабско-русский словарь. В 2 томах. – Т.: Камалак, 1994. – 940 б.
8. Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – 74 б.
9. Алимов У. IX–XI асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.
10. Ислам. Энциклопедия. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2004. – 320 б.
11. Мухаммад ибн Абдуллоҳ ат-Табризий. Мишкот ал-масобих. – Байрут: Дор ал-фикрат, 1991.
12. Нажмиддин Кубро. Ат-Таъвилот ан-нажмия фи ат-тафсир ал-ишорий ас-суфий (Алоудд давла Аҳмад ибн Мухаммад ас-Симноний. Айнул ҳаёт) / таҳқиқ: Шайх Аҳмад Фарид ал-Маъзидий. Ж. 6. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2009. Биринчи нашр. – 2464 б.
13. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2002. – 204 б.
14. Саъдуддин ат-Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафийя. – Қозон: Юсуфий нашриёти, 1319/1901.
15. Самир Мустафо. Тафсир ибн Арабий. – Байрут: Дор ихё ат-турос ар-арабий, 2001 й. Ж. 2.



لمنهج الكتاب الذي هو منهج أهل السنة، حيث يثبتون الصفات في مقابلة المعتزلة المعطلة أو النفاة. وقد عرف الكتاب بصعوبة عباراته مما دفع البزدوي لتأليف كتابه «أصول الدين» سيرا على منوال «التوحيد»؛ ليكون أسهل تناولا².

٢) مكانته: كتاب التوحيد يعد عمدة السادة الماتريدية في علم الكلام، فهو أول كتاب نعلمه فُصِّل بمجملات ما ورد عن أبي حنيفة رحمه الله في مسائل الاعتقاد، وكان اعتماد السادة الماتريدية والحنفية فيما وراء النهر عليه في رد غائلة الفرق المنحرفة، حتى إن كل من جاء بعد الماتريدي من أعلام المذهب كأبي المعين النسفي (ت ٨٠٥هـ) والبزدوي؛ بنوا أهم آرائهم على ما جاء فيه.

٣) أثر كتاب التوحيد: لكتاب التوحيد أثر عام وأثر خاص. أما الأثر العام فكونه يمثل عماد الماتريدية ودستورهم، ولا نبعد إن قلنا: إن أهم كتب الماتريدية بعده الذي هو تبصرة الأدلة، ليس سوى حاشية على متن توحيد الماتريدي، وإن لم يخل «التبصرة» بطبيعة الحال من النظرات الخاصة بأبي المعين. ولا يكاد يخلو كتاب من كتب الماتريدية في العقيدة أو أصول الفقه من أثر للماتريدي وكتابه التوحيد. لقد نقل أبو المعين النسفي في «التبصرة» من كتاب «التوحيد» في مواضع عديدة، ونص على نقله أو إحالته لكتاب «التوحيد»، نذكر منها قوله أثناء حديثه عن خلق الجواهر الضارة وأن فيها إثبات غنى الله عن خلقه وتعالیه عن الحاجة: «وراء هذه المعاني التي بينها معان كثيرة، ذكرها الشيخ أبو منصور الماتريدي رحمه الله في مسائل التعديل والتجوير من كتاب التوحيد»³. وحين أراد الرد على القائلين بأن الله مائة لا يعلمها إلا هو، مع نسبة هذا المذهب لأبي حنيفة، رد ذلك النسفي مستدلاً بأن هذا القول لم يذكره الماتريدي في كتاب التوحيد فقال: «والشيخ الإمام أبو منصور الماتريدي رحمه الله مع كونه أعرف الناس بمذاهب أبي حنيفة لم ينسب هذا القول إليه لا في كتاب التوحيد ولا في كتاب المقالات»⁴. كما يقول في مسألة سماع الكلام الإلهي: «وقد أشار الشيخ الإمام أبو منصور الماتريدي رحمه الله في أول مسألة الصفات من كتاب التوحيد إلى جواز سماع ما وراء الصوت، فإنه قال: العلم بالأصوات وخفيات الضمير سمى سمعا وخفيات الضمير هي الكلام في الشاهد عنده» فجوز سماع ما ليس بصوت إلا أنه لا يقول إنه يسمع كلام الله تعالى عند سماع قراءة القرآن»⁵. ثم قال: «ومنهم من قال إن كلام الله لا يسمع بوجه من الوجوه.. وهذا هو مذهب الشيخ أبي منصور الماتريدي طيب الله ثراه نص عليه في كتاب التوحيد في آخر مسألة القرآن»⁶. والأمثلة على ذلك عديدة⁷.

كما نجد لدى اللامشي في كتابه «التمهيد لقواعد التوحيد» تأثراً واضحاً بالماتريدي في حيث نقل بعض معاني الماتريدي من التوحيد

² أصول الدين، البزدوي، ص. 14.

³ تبصرة الأدلة، تحقيق حسين آتاي، ص. 130.

⁴ تبصرة: ص. 210.

⁵ تبصرة: ص. 397.

⁶ تبصرة الأدلة: ص. 398.

⁷ ينظر مثلاً تبصرة الأدلة: ص. 469.

Ahmad SAAD AL-DAMANHURI,

Doctor of al-Azhar University,

Lecturer of the International Islamic

Academy of Uzbekistan,

Researcher of the Imam Maturidi International

Scientific Research Center.

Navoi str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: rabbanya@gmail.com

كتاب التوحيد للماتريدي: أهميته، وأثره، ووقفات نقدية مع أهم الإبرازات المتداولة

ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ “ТАВХИД”
АСАРИ: АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ ҲАМДА
УНИНГ ЗАМОНАВИЙ НАШРЛАРИГА
ОИД ТАНҚИДИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

KITAB AT-TAWHID BY IMAM MATURIDI:
ITS IMPORTANCE, ROLE, AND
CRITICAL VIEWS ON CONTEMPORARY
EDITIONS OF THE WORK

مقدمة.

الحمد لله، والصلاة والسلام على سيدنا رسول الله، سيدنا محمد وعلى آله وصحبه ومن والاه، وبعد، فإن كتاب التوحيد للماتريدي من أهم كتب عقائد أهل السنة عامة، والماتريدية منهم بصفة خاصة، لذلك كان النظر في صحة قراءته للوقوف على مراد الماتريدي من الأعمال التي ينبغي أن تتوجه لها جهود الباحثين، وقد وجدت محاولات لإخراج هذا الكتاب من عالم المخطوطات إلى عالم الطباعة الحديثة، لكن هذه المحاولات فيما نرى لم تخل من نقود وملاحظات، أشرت إلى بعضها في تلك الورقات.

إشكالية البحث.

ستحاول هذه الورقات الإجابة عن سؤال: هل كانت الجهود التي بذلت في إخراج كتاب التوحيد تتسق ومكانة الكتاب وأهميته، أو كانت تلك الجهود أقل من المأمول، ومن ثم سنحاول تقييم جهود إخراج كتاب التوحيد بعد التأكيد على أهمية الكتاب، ليعلم أهمية تجديد العناية به.

منهج البحث.

سيكون منهجي هو المنهج الوصفي التحليلي النقدي.
أولاً: كتاب التوحيد: اسمه، ومكانته، ودواعي وتاريخ تأليفه،

وأثره:

١) اسمه: أشهر أسمائه كتاب (التوحيد)، وسماه البزدوي: (التوحيد وإثبات الصفات)¹، ولعل السر في هذه الزيادة من البزدوي الإشارة

¹ كشف الظنون: 6041/2، هدية العارفين: 36/2.